



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ




ТЕРМИЗ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ



ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ
ЖАМИЯТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**
**Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари**

Термиз 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИ

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАБИИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТИ
ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ**

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Термиз, 2020 йил 11 ноябрь.

Термиз 2020

Тоғ музликларининг режимини ва улардан оқиб чиқаётган дарёларни ҳар томонлама ўрганиш қишлоқ хўжалиги сугорма дехқончиликка асосланган Ўрта Осиё шароитида катта амалий аҳамиятга эга. Табиат инъом этган битмас туганмас чучук сув манбаи бўлиб ҳисобланган тоғларимиздаги музликларни муҳофаза қилиш, эриб кетишининг олдини олиш борасида чора тадбирлар ишлаб чиқиш долзарб ишлардан бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алибеков Л.А. Ўрта Осиё табиий географияси Самарқанд, 2006.
2. Низомов А., Нугманова А., Матназаров А., Матназаров А. Ўзбекистон тоғ музликлари. Тошкент, 2016.
3. Шульц В.Л., Машрапов Р. Ўрта Осиё гидрографияси. Тошкент, 1969.

МИРЗАЧЎЛДА ЛАНДШАФТЛАР ЎЗГАРИШИГА САРДОБА СУВ ОМБОРИНИНГ ТАЪСИРИ Холдорова Г. М. Жizzах давлат педагогика институти

Марказий Осиё минтақасининг текислик қисми, яъни Мирзачўл табиий ўлкасида қурилган энг катта сув омбор сўзсиз - Сардоба сув омбори ҳисобланади. Бу сув омбор 2010 йилда Жанубий Мирзачўл каналининг марказий тармоғи оқиб ўтган жойда бунёд этила бошланиб, 2018 йилда якунланди. Улкан гидротехник иншоотнинг морфометрик ўлчамларини кўрадиган бўлсақ, майдони $58,7 \text{ km}^2$, сув сифими 922 млн m^3 , максимал чуқурлиги 35 м, узунлиги 33 км, баландлиги 33 м ни ташкил этади. Сардоба сув омбори Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Мирзаобод туманлари, Жizzах вилоятининг Арнасой, Мирзачўл ва Дўстлик туманларидаи 146,2 минг гектар ерларни сувориш кўзда тутилган. Шунингдек, Сардоба сув омборида қуввати 15 мегаватт бўлган мини гидроэлектростанция қуриш ҳам бошланган эди.

Жорий йилнинг 1 май куни эрталаб Сардоба сув омборидан тўғон ўпирилиши содир бўлди. Сув тошқини натижасида Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаи аҳоли пунктлари ва экинларига зарар етди. Бинолар, йўллар, коммуникациялар вайрон бўлди. Учта тумандаги 22 та қишлоқдан 60 мингдан ортиқ аҳоли эвакуация қилинди.

“Аср қурилиши” номини олган сув омбордаги бундай фожиа – Сардоба сув омбори ва унинг атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишни тақоза этмоқда. Сир эмаски ҳар қандай катта қурилишлар амалга оширилаётганда биринчи навбатда иқтисодиётга кўрсатадиган фойда ҳисобга олинади. Қурилишнинг атроф-муҳит ландшафтларига кўрсатаётган таъсири кўп ҳолларда етарлича баҳоланмай қолади. Натижада, табиат ва жамият ўртасидаги мувозант бузилади.

Сардоба сув омбори таъсирида Мирзачўл табиий ўлкаси ландшафтларидаги ўзгаришларни ўрганиш ва баҳолаш бугунги кунда Ўзбекистоннинг энг муҳим долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. 2018 йилда ишга туширилган Сардоба сув омбори атроф-муҳит ландшафт компонент (ер ости сувлар, микро иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот оламида) лари ўзгаришига таъсир кўрсатмоқда.

Сардоба сув омборининг қурилиши Мирзачўл табиий ўлкаси иқлимига микро даражада таъсир кўрсатмоқда. Биз тадқиқот давомида сув омбор қурилиши билан иқлим элементлари қанчалик даражада ўзгариш рўй бераётганини метеорологик асбоблар ёрдамида аниқлаб, энг яқин метеорологик станция бўлган “Янгиер” метеорологик станцияси маълумотлари билан ўзаро таққослаб, таҳлил қилинди [7; 2019 й].

Демак, тадқиқот жараёнода Сардоба сув омборидаги сув хажмидаги тебранишлар, сувнинг кирим-чиқим баланси, сув омборнинг гидрокимёвий режимидаги ўзгаришлар, тузлар таркиби ва уларнинг сувга боғлик ҳолда ўзгариб туриши, сув омборнинг атроф ҳудудлар ер ости сувлари, микроиқлим, табиий географик жараёнлар (кирғоқ емирилиши,

6. Жиззах вилояти мелиорация бўлими маълумоти, 2019.
7. Комилов О.К. Мелиоративное состояние и плодородие вновь освоенных почв Голодной степи. -Ташкент: Фан. 1980.-С. 43.
8. Сектименко В.Е., Исмонов А. Ж. Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг тупроқлари. Сирдарё ва Жиззах вилоятларнинг сүғориладиган тупроқлари китобида. Фан нашриёти, - Ташкент, 2005, -С. 20-42.
9. Сирдарё Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси маълумотлари, 2019.
10. Холдорова Г. Тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилашда табиий географик омилларнинг ўрни (Мирзачўл табиий географик ўлкаси мисолида). ВИИИ глобальная наука и инновации 2020: Центральная Азия. Международный научно-практический журнал. Нурсултан, Казакстан.

AGROLANDSHAFTLARNING GEOEKLOGIK XUSUSIYATLARI

Muqumova H.I., Abdullayev S.I.

Qarshi davlat universiteti.

Qishloq xo`jalik faoliyati jarayonida shakllanadigan landshaftlar geografiya, ekologiya va qishloq xo`jaligiga doir adabiyotlarda “agrolandshaftlar”, - deb nom olgan. V.A.Nikolayevning fikricha (0) “agrolandshaft – bir butun, ichki tuzilishiga ko`ra bir xil bo`lmagan qishloq xo`jalik geosistema bo`lib, u haydaladigan yerlarni ham, boshqa funksional profildagi foydalaniladigan joylarni ham o`z ichiga oladi”. Agrolandshaftning katta qismida tabiiy o`simlik qishloq xo`jalik ekinlari bilan almashtirilgan va tabiiy chegaralarini saqlab qolgan geosistema. Bu ta’rifga binoan agrolandshaft maqsadli yaratilgan o`simlikka nisbatan sifat jihatdan bir xil bo`lgan hudud bo`lib, unda inson tomonidan iqlim, orografik, tuproq va biotik sharoitlar o`zgartiriladi. Tizimli yondasuvda agrolandshaft integral hududiy tizim bo`lib, ikki o`zaro ta`sirdagi – tabiiy (landshaft) va antropogen (dehqonchilik) kichik tizimlardan, shuningdek kichikroq tabiiy-qishloq xo`jalik geosistemalarining to`plamidan iborat. Bu geosistemalar birgalikda oziq-ovqat ta’minoti muammosini hal etadi.

Agrolandshaftlar, yer resurslaridan foydalanish sharoitlariga bog`liq holda xilma-xil (dalachilik, bog`dorchilik, aralash bog`dorchilik-dalachilik, o`tloq-yaylov, litogen asosi o`zgartirilgan landshaftlar, sug`oriladigan va quritilgan landshaftlar) bo`ladi. Ayrim tadqiqotchilar aholi manzilgohlari va ularning atrofidagi hududlar (bog`lar, tomorqalar va b.)ni o`z ichiga oladigan seliteb landshaftlarni ham agrolandshaftlarga kiritishadi.

Agrolandshaftlar Yer yuzasida deyarli barcha geografik zonalarda tabiiy landshaftni o`zgartirish yo`li bilan yaratiladi. Tog`larning yonbag`rlarida agrolandshaftlar terrasalar hosil qilish va ularda yetishtiriladigan ekinlarni sugo`rish orqali vujudga keltiriladi. O`zbekiston hududida agrolandshaftlar daryo va soy vodiylari, tog`oralig`i botiqlari, tog`oldi tekisliklari, tog`yonbag`irlari, konussimon yoyilmalar va buloqlarning geografik joylashuvi bilan bog`liq. Mamlakatimizda mavjud bo`lgan barcha antropogen landshaftlar – eng qadimiysidan tortib to hozirgi zamон antropogen landshaftlarigacha Amudaryo, Sirdaryo, Zarafshon, Qashqadaryo daryolari vodiylarida, Farg`ona, Toshkent, Mirzacho`l, Zarafshon, Surxondaryo va Qashqadaryo tog`oralig`i botiqlarida, shuningdek, yirik daryolarning deltalarida tarkib topgan.

O`zbekistonda 4,2 mln. ga maydonini band etgan agrolandshaftlar qishloq xo`jalik mahsulotlarini ishlab chiqarishda, oziq-ovqat va xom ashyo muammolarini hal qilishda muhim ahamiyatga ega.

Mamlakatimiz yer jamg`armasining (43 mln. ga) 62,7%i (26 961 ming ga) qishloq xo`jaligida foydalaniladi. Qishloq xo`jalik yerlarining 9,7%i (4315,7 ming hektar) sug`oriladigan dehqonchilik, 2 % ga yaqini (756,3 ming hektar) tog` oldi lalmikor yerlari, 47 %i (21128 ming hektar) cho`l va chal cho`l yaylovlari bilan band.

Agrolandshaftlar tabiatning, muhofazaga muhtoj muhim obektlaridir.. Yerdan qishloq xo`jaligida foydalanganda tabiiy resurslarni imkon qadar ko`proq hisobga olib, ularni asrashni hamda atrof muhit holatiga nomaqbul antropogen ta`sirni cheklashni nazarda tutish lozim. Shu

МУНДАРИЖА

Т/р	МУАЛЛИФЛАР ВА МАҚОЛАНИНГ НОМИ	Саҳифа
	Сўз боши	3
I ШЎЬБА. ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ВА ТОПОНИМИКА		
1.	Нигматов А. Н., Юулдашов А.У. Перспективы развития конструктивной географии	5
2.	Рахматуллаев А., Баратов Х., Нурибоев Х., Абдуваитов А. Тоғ олди текисликларида суръформа дәхқончиликнинг грунт сувлар сифатига таъсири	11
3.	Далимов Н.Р., Ишбаев Х.Д., Курбанов А.А. Петрогенезис и рудоносность даек Шаваз-Дукентского грабена	15
4.	Тошов Х.Р., Имомназарова С.Х. А.Н.Красновнинг ҳаёти ва илмий мероси	18
5.	Рахматуллаев А., Адилова О.А. Тоғ ландшафтларида чўлланиш жараёнини баҳолашда трансект кесмасида “Тўр усули”дан фойдаланиш тажрибасидан	20
6.	Ғўдалов М., Мухамедов О. Айдар-Арнасой қўллар тизими атрофида бўладиган ландшафтлардаги ўзгаришларни прогнозлаш	22
7.	Тошбоев З. М. Мирзачўл воҳа ландшафтларининг мелиоратив-техноген элементлари	26
8.	Suyunov A. S., Usmanova R., Xushmurodov F. M. Qashqadaryo vohasi agrolandshaftlarini tadqiq etishning nazariy-uslubiy jihatlari	29
9.	Abdullahayev S.I., Qurbonov P.R. Madaniy landshaft konsepsiyasining rivojlanishi	31
10.	Эшқувватов Б.Б. Ландшафтлардан хўжаликда фойдаланишда турли методик ёндашувларни қўлланилиши	33
11.	Мустаев Қ., Алланов Қ. Ўрта осиё тоғ музликлари ва уни ўрганишнинг амалий аҳамияти	36
12.	Ходорова Г. М. Мирзачўлда ландшафтлар ўзгаришига Сардоба сув омборининг таъсири	39
13.	Muqumova N.I., Abdullayev S.I. Agrolandshaftlarning geoeklogik xususiyatlari	43
14.	Юсупова К.У. Қашқадарё воҳаси ландшафтларига ирригацион иншоотлар таъсирини оптималлаштириш йўллари	45
15.	Аvezov M., Mirakmalov M. Қоракўл туманидаги баъзи топонимларнинг табиий географик жиҳатлари	48
16.	Авезов М., Аъламов У., Авезова А. Сурхондарё вилоятидаги географик жой номларининг шаклланишида терминларнинг роли	50
17.	Allayorov R. X., Abduhaliqov K. A. Geografiya ta'limida antropotoponimika: mazmun-mohiyati va qo'llanilishi	52
18.	Эшбоев Б.Т. Қашқадарё вилояти топонимларининг ўрганилиш тарихи	54
19.	Умарова М. Ҳ., Сохибова З. Ж. Сурхондарё вилоятининг ўсимликлар билан боғлиқ жой номлари	56
20.	Хакимов К.М. Жиззах вилояти мӯғулча топонимлари географияси ҳақида	58
21.	Умарова М.Ҳ., Раҳматова М., Ишқурбонова Д. Ўрта мактаб география таълимида замонавий педагогик технологияларнинг роли	60
22.	Исломов И. Ҳ. Географик терминлар ва умумистеъмол лексемаларнинг ўзаро семантик муносабати хусусида	62